



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСК: ЭВОЛЮЦИЯ ВА НАЗАРИЯ

Абдурасулов Жаҳонгир Абдувалиевич

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси мустақил изланувчиси

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 7 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss7/a9	Мақолада тижорат банкларида рискларнинг вужудга келиши ва уларнинг назарий масалалари ўрганилган. Мазкур иқтисодий категория бўйича халқаро ва маҳаллий миқёсда нашр этилган илмий асарларда келтирилган илмий ёндашувлар тизимлаштирилган. Тадқиқотлар асосида муаллифнинг илмий хулосалари шакллантирилган ва асосланган. Ишлаб чиқилган хулосалар асосида таклиф ва тавсиялар тизимлаштирилган.
KEYWORDS	Банк, банк rischi, кредит rischi, ликвидлик rischi, бозор rischi, молиявий рисклар

Кириш (Introduction/Введение).

XXI асрда ахборот технологияларнинг ривожланиши молиявий хизматлар бозорида ҳам туб бурилишларни вужудга келтирмоқда. Интернет коммуникацияларининг кенг ёйилиши ва молиявий хизматларнинг масофадан туриб амалга оширишга имкониятларни кенгайтирмоқда. Шунингдек, жаҳон иқтисодиётида криптовалюталарни вужудга келиши, геосиёсий нобарқарорликнинг кескинлаши ортидан банклар фаолиятида қатор мураккабликларни шаклланишига олиб келмоқда.

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва қўшимча қийматнинг яратилишида банк хизматларидан фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу эса, тижорат банкларида амалга ошириладиган турли даражадаги молиявий трансакцияларнинг рискка учраш эҳтимолини вужудга келтириши табиий ҳол ҳисобланади. Тижорат банкларининг ўзларининг пассив ва актив операцияларини бажаришлари давомида рискларга учраши доимий воқеилик, десак муболага бўлмайди. Ҳозирги глобал иқтисодий мураккабликлар даврида банкларда рискларни батамом қисқартириш қийин бўлсада, рискни самарали бошқариш ва уни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин бўлади.

Банкларнинг актив операцияларида уларнинг рискка тортилганлик даражаси ва ушбу маблағларнинг манбаларига нисбатан муддат бўйича фарқлари рискка сабаб бўлувчи омилларни ўзида акс эттириб беради. Пассив операцияларида эса, банклар олдида жалб этилган маблағларни мижозларга ўз вақтида қайтара олиш қобилияти, ликвидлик даражасининг барқарорлиги каби ҳолатлар билан рисклар шаклланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review, Анализ литературы).

Бизнингча, жаҳон иқтисодиётининг ахборот технологиялари ва геосиёсий воқеиликлар билан биргаликда ривожланиши банкларни ўзлари истамаган рисклар билан тўқнаш келишига олиб келмоқда. Бу эса, банклар фаолияти ички омилларидан ташқари, фаолиятига боғлиқ бўлмаган рисклар билан учрашишига тўғри келмоқда. Жумладан, улар каторига қуйидагиларни киритиш мумкин, деб ўйлаймиз:

Биринчидан, интернетнинг ривожланиши – кибер молиявий жиноятларнинг авж олиши ва у билан боғлиқ йўқотишларнинг шаклланиши. Бунда банк томонидан киберхавфсизлик чораларини қучайтириш ва ахборот хавфсизлигида нафақат молиявий

ресурсларни химоялаш, балки шахсга доир маълумотларни очиқланмаслиги билан боғлиқ заруратлар муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, крипто молиянинг вужудга келиши. Бунда криптовалюталарнинг ноқонуний савдоси билан боғлиқ жараёнларнинг жадаллашуви. Бу эса, тижорат банклари орқали шубҳали молиявий трансакцияларнинг ортисида олиб келиши мумкин. Натижада, тижорат банки монетар регулятор томонидан молиявий санкцияларга учраши мумкинлигини эътиборга олиш муҳим ҳисобланади.

Учинчидан, глобал миқёсда сиёсий вазиятнинг нобарқарорлашуви билан вужудга келадиган рисклар. Мазкур ҳолатда тижорат банклари мустақил қарорлари билан тўлақонли тарзда рискларни бошқара олиш имконига эга бўлмаслиги мумкин. Бизнингча, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги турли сиёсий ва иқтисодий келишмовчиликларнинг вужудга келиши халқаро молиявий трансакцияларни амалга оширишга нисбатан тўсиқ ёки чекловларни жорий этилишига олиб келиши мумкин. Натижада, тижорат банклари ўз мижозларининг халқаро тўлов билан боғлиқ сўров (талаб)ларини бажара олмаслиги вужудга келади. Мазкур тенденцияларнинг кенгайиши мижозлар ўртасида банкка нисбатан ишончнинг пасайишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадқиқотимиз давомида тижорат банклари фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган рискларга нисбатан илмий ёндашувларни ўрганиб чиқишга эътибор қаратамиз. Банк рисклари ўзбек ва бошқа хорижий тилларда нашр этилган илмий адабиётларда турлича ёндашувлар баён қилинган. Изланишлар давомида дастлаб ўзбек тилида нашр этилган илмий тадқиқотлар натижаларини ўрганишдан бошлашни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Проф. Н.Жумаев банк рискларини вужудга келишига нисбатан иқтисодий инкирозларни таҳлил этишни назарда тутди. Унга кўра, иқтисодий инкирозлар шароитида валюта муносабатлари билан боғлиқ ҳолатлари бўйича илмий хулосаларни шакллантириб берган [1].

Проф. Ш.З.Абдуллаева ўзининг илмий асарларида рискни бошқаришдан кўзланган мақсад ижобий натижа даромад, фойда кўриш бўлишини таъкидлаб ўтади [2].

Проф. Н.Каримов ўзининг диссертацион тадқиқотида банкларнинг рискли фаолиятини вужудга келиши ва уни бартараф



3-расм. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдаги банк рискларини тартибга солиш жараёни.

Р.Султанов Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш амалиётини ривожлантиришга нисбатан илмий ёндашувларини бериб ўтади. Шунингдек, “инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш моҳиятига кўра мураккаб ва кўп погонали жараён бўлиб, мақсад ва вазифаларига кўра riskни тартибга солиш бўйича муайян моделга таянади. Ўз навбатида, белгиланган вазифаларни самарали ҳал этишда банк рискларини тартибга солишнинг ташкилий механизмини такомиллаштириш зарур ҳисобланади [10]” деб таъкидлаб ўтади. Шунингдек, инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш жараёнини ишлаб чиқиб, таклиф этади (3-расмга қаранг).

Р.Султанов банк рискларини тартибга солишда инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш жараёنларига боғлаб таҳлил этади. Унинг илмий ёндашувларида инвестицион лойиҳаларини экспертизадан ўтказишда банк рискларини тизимлаштириш лозим, деган хулосага келинади. Жумладан, юқори даражали рискларни аниқлаш, рискларни таъсир кўламини баҳолаш ва инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш riskининг умумий кўрсаткичларини аниқлаш каби ҳолатларни келтириб ўтади. Шунингдек, рискларни бошқаришда уларни сугурталаш ва рискларни қисқартириш тадбирларини мониторинг қилиб боришни тавсия этади.

Д.Тошпулатов ўзининг докторлик диссертациясида тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштиришга қаратилган илмий ёндашувларни ишлаб чиққан [11]. Тадқиқотчининг фикрича, банк рискларининг барча мавжуд таснифларини асосан учта ёндашувга ажратилади. Жумладан, илмий-назарий, тартибга солувчи ва аралаш кабилардир. Банк riskига нисбатан эса, банк ўзининг стратегик ва бизнес мақсадларига эришишда қўйилган ёки қўйилмаган ҳолатлар натижасида банк фойдасига салбий таъсир этади, деган мазмунда таъриф бериб ўтади. Шу билан бирга, банк riskлари турларига қуйидагиларни киритади:

- молиявий рисклар (ликвидлик, фоиз, валюта, инвестицион, концентрация, капитални бошқариш);
- операцион рисклар (физик ва технологик);
- кредит riskи (таъминот riskи, мижоз тўлов қобилияти riskи);
- репутацион риск;
- регулятор riskи;
- стратегик риск.

Д.Тошпулатов тадқиқотлари давомида банк рискларини аниқлаш ва баҳолашга қаратилган илмий хулосаларни шакллантиришга ҳаракат қилади. Банк riskлари учта ёндашув асосида турларга ажратиб берилди. Банк рискларининг айрим турларини молиявий рисклар сифатида қайд этади. Шунингдек, ноиктисодий аҳамиятга эга бўлган рисклар – репутацион ва стратегик риск кабиларни ҳам банк riskлари таркибига киритишни асослашга ҳаракат қилади.

Тадқиқот мақсади ва усуллари (Research objective and methods, Цель и методы исследования).

Тадқиқотни амалга оширишда назарий қарашларни тизимлаштирилади. Улар эмпирик тадқиқотларнинг назарий хулосаларини қиёсий баҳолашга имкон берувчи методлар асосида

шакллантирилади. Тадқиқотлар асосида назарий-илмий хулосалар шакллантирилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results, Анализ и результаты).

Бизнингча, ўзбекистонлик олим ва тадқиқотчилар томонидан банк riskлари ва уларга нисбатан илмий ёндашувлар баён қилинган. Қатор илмий асарлар нашр этилган. Қайд этиш лозим, банк riskлари қаторига қуйидаги турларни ҳам қўшган тарзда эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- турли (ҳалқаро ва маҳаллий) даражадаги санкцияларнинг қўлланилиши билан боғлиқ рисклар;
- комплеанс назорат билан боғлиқ рисклар (қонунчилик талабларига риоя этмаслик, уюшган молиявий ноқонуний гуруҳ сифатида фаолият олиб бориш);
- киберхавфсизлик билан боғлиқ рисклар (интернет тизимлари орқали молиявий таҳдидларни вужудга келиши) кабиларни келтириш мумкин.

Банк рискларининг вужудга келиши ва уни бошқаришга нисбатан инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий асарларнинг айримларини тадқиқ этишга ҳаракат қиламиз.

В.Леонг ва бошқалар томонидан АҚШ банкларида 2008-2009 йилларда юз берган молиявий инкирознинг рискларини вужудга келтириш ҳолатларини таҳлил этади [12]. Улар банк капиталининг умумий бозорнинг инкироз riskига нисбатан сезувчанлигини аниқлаш ва баҳолашга эътибор қаратишади. Натижада, тадқиқотлар асосида тўртта муҳим илмий натижани шакллантиришга эришилади. Биринчидан, банкларнинг шаффоф бўлмаган активлари аниқ баҳоланмаганлиги, иккинчидан рентабеллик даражаси паст бўлган банкларда рисклар юқори эканлиги, учинчидан муддати ўтган кредит қарзорлиги ва банк riskининг ижобий корреляцияси уч баробарга ортганлиги ва тўртинчидан биринчи даражали капитал юқори ҳимоя буферига эга банклар кичикрок riskка эга бўлиб, структуравий молия бозори riskи таъсирига ҳам барқарор эканлиги қайд этилади.

А.Курицкец ва Т.Шуерман томонидан банк рискларини таснифлашда маълум бўлган, маълум бўлмаган ва аниқлаб бўлмайдиган хусусиятларга ажратган ҳолда тушултириб берилади [13]. Улар 1986-2005 йилларда АҚШ банкларида бозор, кредит, актив ва мажбуриятлар riskи, операцион ва бизнес riskи каби хавф турларини асослаб берилади. Тадқиқотлари асосида мазкур risk турларининг ўрганлиган банклардаги умумий riskидаги улушини аниқлашади. Жумладан, бозор riskи 5 фоиз, кредит riskи деярли ярим улуш, операцион ва бизнес riskи 30 фоиз ва структуравий фоиз riskи 18 фоизни ташкил этганлигини асослаб берилади. Шунингдек, йирик банкларда ҳаддан ташқари салбий молиявий оқибатларни вужудга келиши кам бўлишини таъкидлаб ўтишади.

Ж.Ву ва бошқалар томонидан иктисодий ноаникликлар даврида банк рискларини баҳолашга эътибор қаратишади [14]. Уларнинг фикрича, иктисодий ноаникликлар кучайиши билан банк рискларининг ортиб бориши вужудга келар экан. Улар томонидан 34 та ривожланаётган давлатларнинг 1500 дан ортиқ тижорат банклари натижалари таҳлил этилади. Бунда банкларнинг молиявий натижаларининг ўзгариши ёки пасайиш тенденцияси айти ноаникликлар даврида кучайиши асослаб берилди. Иктисодиётдаги очиклик ва қарорлар қабул қилинишининг шаффофлиги банк тизимидаги ноаниклик рискларини пасайтиришга хизмат қилишини асослаб берилади.

Бизнингча, юқорида келтирилган тадқиқотларда банкларнинг riskка учраш эҳтимоллигидаги омилларнинг айрим жиҳатлари аниқланган ва баҳоланган. Жумладан, банк фаолияти билан боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри кўрсаткичлардан ташқари, миллий иктисодиётдаги вазиятнинг ҳам таъсир этиш даражалари таҳлил этилган. Мазкур тадқиқотларнинг илмий хулосаларида рисклар молиявий ва номолиявий рисклар гуруҳига ҳам ажратган тарзда таснифлаб берилди.

Эътиборли жиҳати банк рискларини тизимлаштиришда уларнинг умумий банк riskлари таркибидаги улуши аниқланганлиги уларга нисбатан таҳлил ва стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим ҳаҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга, иктисодиётдаги ноаникликлар банк рискларини вужудга келиш эҳтимоллигини оширишини асосланганлиги ҳам банкларда рискларни бошқаришга нисбатан вазифаларни белгилашда алоҳида хусусият касб этади, деб

ўйлаймиз. Бу эса, иқтисодиётдаги очикликни ва ислохотларни амалга оширишдаги шаффофликни таъминлашга бўлган заруратни ўзида ифодалаб беради.

Банк рискларини вужудга келишида рус тилида нашр этилган илмий асарларни ҳам ўрганишга ҳаракат қиламиз.

В.Кравцов ўзининг илмий мақоласида банк рискларини таснифлашга ҳаракат қилади [15]. У банк рискларини 11та мезон асосида гуруҳлашга эътибор қаратади. Биринчидан, рискнинг даражаси асосида. Бунда рискни вужудга келиши микёси – фирма ичида, микроиқтисодий, тизимли ва макроиқтисодий шаклда. Иккинчи турида банк хизматларининг характери асосида. Бунда валюта, ҳисоб, операцион ва балансдан ташқари рискларга ажратилади. Учинчидан, банкнинг барқарор ривожланганлик даражасига мос равишда бўлиши назарда тутилади. Шунингдек, ички ва ташқи хусусиятда вужудга келадиган рисклар назарда тутилади. Уларнинг фикрича, банк рискларини тўлиқ ва тўлиқсиз бўлган шаклда ҳам бўлиши мумкинлиги қайд этилади. Бунда риск банк маълум бир фаолиятига тўлиқ ёки қисман таъсир этиши билан ифодаланишини асослашга ҳаракат қилинади.

Е.Чайкина ва бошқалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда банк рискларини бошқаришга нисбатан ёндашувлар шакллантириб берилади [16]. Уларнинг фикрича, банк рискларини бошқариш самарадорлигини таъминлашда қуйидаги тамойилларга эътибор қаратиш муҳим эканлиги таъкидланади:

- мақсадга йўналтирилганлик – банк рискни бошқаришга боғлиқ бўлган ҳолда кредит муассасаси фаолиятини бошқариш;
- натижадорлик – рискли вазиятларни вужудга келиши билан боғлиқ бўлган маълумотларни тўплаш ва уларни қайта ишлаш фаолиятини натижасини таъминлаш;
- тизимлилик – рискларни бошқариш элементларини ўзаро боғлиқликда бирлаштириш;
- мақсадларни уйғунлаштириш – рискларни минималлаштиришга қаратилган мақсадларни бирлаштириш;
- рискларни бошқариш стратегиясининг банк стратегиясининг муҳим бўғини бўлишини таъминлаш;
- динамиқлик – банк фаолиятида ўзгаришларга нисбатан менежерларнинг зудлик билан муносабат билдириш;
- назария ва амалиётнинг бирлигини таъминлаш;
- функцияларнинг манзилли тақсимоли;
- ишончлилик – рискларни бошқариши жараёни узлуксизлиги ва хавфсизлигини таъминлаш.

Хулоса (Conclusion, Заключение).

References:

1. Жумаев Н.Х. Жаҳон иқтисодиётининг янги инқирози – иқтисодий ҳаракатсизлик. 03.04.2020 й. <https://review.uz/oz/exg>;
2. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. – 304 б.
3. Каримов Н.Ф. Риски и проблемы формирования прибыли коммерческих банков: автореферат ... к.э.н. – Т.: БФА, 1998. – 23 с.;
4. Мамадияров З. Т. Банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматлари билан боғлиқ рискларни бошқариш //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021. – №. 5 (141). – С. 12-21.
5. Муминова Э.А. Тижорат банкларида ипотека кредити рискларини бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.н. ... автореферат. – Т.: БМА, 2011. – 22 б.;
6. Насриддинов Ф.Н. Тижорат банкларида риск-менеджмент тизимини такомиллаштириш йўллари: и.ф.н. ... автореферат. -Т.: ТДИУ, 2012..
7. Нафасов Д.Б. Тижорат банклари рискларини бошқаришнинг назарий ва амалий асосларини такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т. ТМИ, 2017. – 49 б.
8. Махмудова М.К. Тижорат банклари фаолиятида рискларни бошқариш усуллари такомиллаштириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т. ТДИУ, 2020. – 63 б.
9. Ташмухамедова Г.Р. Сифат менежменти тизими асосида банк рискларини бошқариш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т. ТДИУ, 2022. – 63.
10. Султанов Р.Б. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда банк рискларини тартибга солиш амалиётини ривожлантириш: и.ф.б.ф.д. ... автореферат. – Т. ТДИУ, 2022. – 64 б.
11. Тошпулатов Д.А. Тижорат банкларида рискларни баҳолаш ва бошқаришни такомиллаштириш: и.ф.д. ... автореферат. – Т. ТДИУ, 2022. – 78 б.
12. Leung, W. S., Taylor, N., & Evans, K. P. (2015). The determinants of bank risks: Evidence from the recent financial crisis. *Journal of International Financial Markets, Institutions and Money*, 34, 277-293.
13. Kuritzkes, A., & Schuermann, T. (2006). What we know, don't know and can't know about bank risks: A view from the trenches.
14. Wu, J., Yao, Y., Chen, M., & Jeon, B. N. (2020). Economic uncertainty and bank risk: Evidence from emerging economies. *Journal of International Financial Markets, Institutions and Money*, 68, 101242.
15. Кравцов В. В. Сущность, классификация и методы анализа банковских рисков //Финансовые рынки и банки. – 2020. – №. 6. – С. 72-74.
16. Чайкина Е. В., Махота А. Н. Направления совершенствования управлением банковскими рисками //Кронос: экономические науки. – 2021. – №. 1 (29). – С. 4-6...

Бизнингча, банк рискларини назарий жиҳатдан тизимлаштириш масаласи рус тилидаги илмий нашрларда ҳам кўриб ўтилган. Рискларни юзага келишида унинг сабаблари ва кўлами нуктаи назаридан турларга ажратилган. Кўплаб тадқиқотларда банкларда рискларни пайдо бўлиши макроиқтисодий ва микроиқтисодий хусусият билан боғлиқ эканлиги қайд этилган. Бу эса, тадқиқотларда рискнинг кўлами жиҳатдан баҳолашга хизмат қилган.

Қайд этиш лозимки, банкларда рискларни бошқариш масаласида маълум тамойилларга амал қилиниши натижаларнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу боисдан, банк рискларини олдиндан аниқлаш ва уларнинг оқибатлари билан курашишда илмий асосланган тамойилларга таяниш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, деб ўйлаймиз.

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида банк рискларини вужудга келишига нисбатан муаллифлик ёндашувларимизни ишлаб чиқишга ҳаракат қилдик. Бизнингча, банк рискларини тизимлаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш асосида рискларни аниқлаш ва баҳолашни амалга ошириш лозим, деб ўйлаймиз:

- монетар ва номонетар;
- ташқи ва ички омиллар асосида;
- рискларнинг кўлами нуктаи назаридан тизимлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фикримизча, банк рискларини шаклланишида номонетар рискларни аниқлаш ва баҳолаш долзарблик даражаси ортиб бормоқда. 1-жадвал маълумотларига эътибор берсак, номонетар рискларнинг таснифи монетарга нисбатан кўпроқ бўлмоқда. Бу эса, банкларда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш билан бирга, номонетар рискларни тизимлаштириш асосида прогноз тахлилларини амалга ошириб бориш заруратини кўрсатмоқда.

Бизнингча, геосиёсий вазиятнинг мураккаблик касб этиб бориши тижорат банкларида вужудга келиши мумкин бўлган санкцион рискларнинг эҳтимоллиги сақланиб қолмоқда. Шу нуктаи назардан, банклар томонидан нафақат ўз ҳамкорлари балки, миқозларининг ҳамкорларига хизмат кўрсатувчи банкларнинг ҳам фаолияти билан боғлиқ санкцион рискларга дуч келишини инобатга олиш зарур, деб ўйлаймиз.

Умумий хулоса қилиб айтганда, банкларда рискларнинг вужудга келиши нафақат монетар балки, номонетар аҳамиятга ҳам эга бўлмоқда. Бу эса, банклар фаолиятида молиявий кўрсаткичларни мониторинг қилиш билан бирга, макро даражадаги тенденцияларни ҳам кузатиш ва таҳлил қилиб боришни тақозо этмоқда.